

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил якуни бўйича ҲИСОБОТИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита (*кейинги ўринларда – Қўмита деб аталади*) томонидан 2021 йилда тизимли ишлар амалга оширилди.

Қўмита фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қўшма йиғилишидаги 2020 йилда амалга оширилган асосий ишлар якуни ва Ўзбекистон Республикасини 2021 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларига бағишланган Мурожаатномасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Диний ақидапарастлик ва экстремизмга қарши курашиш бўйича 2021 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар дастури”да белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга йўналтирилди.

Қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойиш ва топшириқлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг Раёсат қарорлари ижросини таъминлаш, Қўмитага жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлари ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқиш, Қўмитада меҳнат ва ижро интизомини янада мустаҳкамлаш юзасидан жорий йилда Қўмитада **12** та Ҳайъат йиғилиши ташкил этилди.

“Ijro.gov.uz” тизимида **126** та ҳужжатда Қўмитага белгиланган **553** та топшириқдан **484** таси бажарилди, **69** таси бажарилмоқда.

Ҳисобот даврида Қўмита раиси томонидан Республика ҳудудларида **16** та сайёр қабуллар ўтказилди, ходимларнинг ҳудудларга **219** та ва чет элга **3** та хизмат сафари ташкил этилди, **37** та халқаро, республика миқёсида ўтказилган **52** та конференцияда иштирок этилди.

“Жаҳолатга қарши – маърифат” деган улуғвор ғоя асосида диннинг асл инсонпарварлик моҳиятини, эзгулик, тинчлик ва инсонийлик каби фазилатлар, азалий қадриятлар ифодаси эканлигини тарғиб этиш мақсадида **182** та давлат ва жамоат ташкилотларида, **24** та нодавлат ташкилотларида, **207** та таълим муассасаларида маърузалар билан иштирок этилди.

Шунингдек, жамиятимизда диний-маърифий муҳитни янада барқарорлаштириш учун **12** та китоб ва **6** та рисола чоп этилди, **104** та мақола ОАВ да эълон қилинди. Республикада диний-ижтимоий вазиятни соғломлаштириш, барқарорлигига салбий таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш ҳамда юзага келаётган муаммолар ечими юзасидан **232** та ахборот-таҳлилий маълумотнома ва интернет ресурсларда диний контентлар мониторинги асосида **392** та дайжест маълумотлари тайёрланди.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонун

давлат дастури ҳамда ҳаракатлар стратегиясининг 5-йўналиши доирасида амалга оширилган ишлар бўйича **1** та матбуот анжумани, **4** та брифинг, **2** та расмий баёнот ва **4** та хабарнома эълон қилинди.

Диний ақидапарстлик ва экстремизмга қарши курашиш бўйича ислом динининг инсонпарварлик моҳияти, маърифий аҳамияти ҳақида аҳолининг хабардорлигини ошириш мақсадида **532** та маҳалла, **147** та олий ўқув юрти, **197** та ташкилот, **2** мингдан зиёд мактабда, **85** та касб-ҳунар коллежи ва лицейларда тарғибот тадбирлар ўтказилди.

Диний ташкилотлар билан ишлаш йўналишида Республикамизда **2 104** та масжид фаолият юритиб келмоқда. 2021 йилда аҳоли эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда, **25** та янги масжид давлат рўйхатидан ўтказилди, фаолиятдаги **96** та масжидда тубдан қайта қуриш, **123** тасида таъмирлаш ишлари якунланди.

Диний соҳа ходимлари томонидан Оммавий ахборот воситаларида бузғунчи оқимлар ва миссионерликка қарши кураш, жиноятчиликни олдини олиш, тўй ва маросимларни исрофгарчиликсиз ўтказиш, меҳнат мигрантларини ёт ғоялар таъсиридан асраш бўйича **76** мингдан ортиқ маърифий тадбирлар ташкил этилди, ислом динининг тинчликпарварлик ва бунёдкорлик ғояларини тарғиб этишга қаратилган **53** мингдан зиёд чиқиш қилинди.

Диний соҳа ходимлари томонидан оммавий ахборот воситаларида **80 119** та (*2352 та телекўрсатув, 1439 та радио ҳамда интернет орқали 76328 та материаллар*) турли диний-маърифий мавзуларда чиқишлар қилинди.

Конфессиялар билан ишлаш йўналишида Республикамизда **191** та ноисломий диний ташкилот фаолият юритиб келмоқда (*Рус православ черкови - 38 та, Рим-католик черкови - 5 та, Арман апостоллик черкови - 2 та, Тўлиқ Евангелъ христианлари черкови - 61 та, Евангелъ христиан-баптистлар черкови - 24 та, Еттинчи кун христиан-адвентистлар черкови - 10 та, Новоапостол черкови - 4 та, Немис Евангелъ-лютеран черкови - 2 та, "Иегова гувоҳлари" черкови, "Голос Божий" черкови, Корейс протестант черковлари - 26 та, Яҳудийлар диний жамоаси - 8 та, Баҳойлар диний жамоаси - 6 та, Кришнани англаш диний жамияти, Будда ибодатхонаси ва Ўзбекистон Библия жамияти*).

Ноисломий конфессияларнинг барча байрамлари карантин қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда ташкил этилди ва тадбирлар ўтказилишига кўмаклашилди.

Шунингдек, Конфессиялар вакилларининг турли халқаро ва маҳаллий тадбирлардаги иштироки таъминланди.

Диний таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари билан ишлаш йўналишида Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Малака ошириш марказида **3217** нафар диний соҳа ходимлари, манфаатдор идоралар мутахассисларининг экстремистик оқимларга қарши кураш бўйича малакаси оширилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасалари ҳамда Ўзбекистон халқаро ислом академиясига 2021/2022 ўқув йили учун қабул имтиҳонлари ўтказилди.

Имтиҳон натижаларига кўра, ўрта махсус ислом билим юр்தларига **345** нафар, олий диний таълим муассасаларига **215** нафар, Ислам академиясига **300** нафар (*жами 860 нафар*) абитуриент талабалikka тавсия этилди.

Республикада фаолият олиб бораётган диний таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказлари мутахассислари томонидан 2021 йил телевиденияда **692**, радиода **61**, газетада **221**, журналда **146**, интернетдаги веб сайтларда **4394**, ижтимоий тармоқларда **8081** ва маънавий-маърифий тадбирлардаги иштироки бўйича **1826**, жами **15421** та чиқишлар амалга оширилди.

Имом Мотуридий халқаро илмий тадқиқот маркази томонидан **35** та китоб, **100** дан зиёд республика, **26** та хорижий журналларда илмий мақолалар нашр этилди. “Мотуридийлик” журналининг илк сони чоп қилинди. Халқаро илмий ҳайъатнинг илк мажлиси ва **1** та халқаро симпозиум ўтказилди. **10** мингга яқин кўлёмаларнинг электрон нусхалари олинди. **25** дан ортиқ халқаро даражадаги семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилди. **906** номдаги китоблар рўйхати шакллантирилди. **100** дан зиёд маънавий-маърифий ва тарғибот тадбирлари ташкил этилди. “**Тафаккур майдони**” форуми йўлга қўйилди.

Диншунослик экспертизаси йўналишида “Зиё” медиа маркази томонидан тайёрланган **296** та аудиодастур, **91** та кўрсатув, **118** та видеоролик ҳамда “Ўзбекистон”, “Mening Yurtim”, “Sevimli”, “Zo’rTV”, “Milliy TV” каби телеканаллар ва “Muvad Video” МЧЖ томонидан тақдим этилган **163** та диний-маърифий кўрсатув ҳамда фильмлар ўрганиб чиқилиб экспертизадан ўтказилди.

Халқаро алоқалар йўналишида Саудия Арабистони Подшоҳлиги Ислам ишлари, даъват ва иршод вазирлиги, Туркия Республикаси Дин ишлари бошқармаси, БМТнинг болалар жамғармаси – ЮНИСЕФ, Мисрнинг ал-Азхар мажмуаси билан Ҳамкорлик меморандумлари лойиҳалари ишлаб чиқилиб, имзолашга тайёрланди.

Шунингдек, Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг Халқаро ислом фикҳи академияси, Беларус Республикаси мусулмонлари диний бирлашмаси ўртасида Ҳамкорлик меморандумлари лойиҳалари, шунингдек Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Афғонистоннинг Жавжон университети ўртасида Англашув меморандуми лойиҳасини тайёрлашда иштирок этилди.

Ўзбекистон халқаро ислом академияси билан ҳамкорликда ал-Азхар талабалари ва тадқиқотчилари ўртасида Имом Мотуридий танловини ўтказиш бўйича Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари **11** та халқаро илмий-амалий анжуманлар ташкил этилди.

Қўмита, Ўзбекистон мусулмонлар идораси, Цивилизация маркази, Ислом академияси, Имом Бухорий, Имом Мотуридий ва Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказлари вакиллари, исломшунос олимлар ва тадқиқотчиларнинг диний-маърифий соҳаларга оид Туркия, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция, Миср, Малайзия, Индонезия, Сингапур, Афғонистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Озарбайжон давлатлари билан ҳамкорликда ташкил этилган **84** та тадбирларда иштироки таъминланди.

Ўзбек мигрантлари ва ватандошлар орасида экстремистик ва мутаассиб ғояларга берилишнинг олдини олиш учун улар билан диний-маърифий суҳбатлар ўтказиш мақсадида Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги **6** нафар малакали соҳа ходимларининг хорижий хизмат сафарлари ташкиллаштирилди. Хусусан, 2021 йилда имомлар АҚШ, Россия ва Украинага юборилди.

Қўмита раисининг биринчи ўринбосари 2021 йил 6-9 декабрда Қоҳира шаҳрида бўлиб ўтган АЙСЕКО Ижроия кенгашининг 42-сессияси ва ташкилот Бош конференциясида иштироки таъминланди.

Дин ишлари бўйича раҳбариятининг хорижий ҳамкорлар ва делегациялар билан **13** та учрашуви ташкил қилинди.

Зиёрат туризмни ривожлантириш йўналишида Зиёрат туризмни тарғиб қилиш доирасида **14** та хорижий делегация ташрифи ташкил этилди, **18** та презентацион материаллар лойиҳалари нашрга тайёрланди. Туркия, Озарбайжон, Россия, Қозоғистон, Покистон, Малайзия ва Индонезия турдош ташкилотлари билан зиёрат туризм соҳасида узвий ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг “Ҳидоят” ва “Мўминалар” диний-маърифий, илмий-адабий журналлари ҳамда “Ислом нури” газетаси, Халқаро Ислом Академиясининг “Ислом тафақури” журналлари Ўзбекистон зиёрат туризми тарғиботида бағишлаб чоп этилди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги Имом Мотуридий халқаро илмий-тадқиқот маркази, Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот маркази ва Мир Араб олий мадрасаси тузилмаларида “Зиёрат туризмни ривожлантириш бўлими”лари ташкил этилди.

Бухоро вилоятидаги Етти пир зиёратгоҳлари мажмуаларида **7** та инфокиосклар жойлаштирилди, Етти пир алломалари меросига оид **73** та номдаги альбом-проспектлар, китоб ва рисоалар нашр этиш режаси тасдиқланди.

Ички туризмни ривожлантириш доирасида **2062** нафар имом-хатибларни режа асосида Самарқанд, Бухоро, Термиз, Хива, Тошкент ва водий вилоятлари шаҳарларидаги зиёрат масканларига мунтазам зиёратлари ташкил этилди.

Ички туризм доирасида Вақф хайрия жамоат фонди тасарруфидаги **189** та зиёратгоҳга жорий йил январь ойида - **195** минг, февраль - **208** минг ва март ойида - **236** минг; жами **2** млн **496** минг маҳаллий зиёратчи

ташриф буюрди.

Оммавий ахборот воситалари ва жамоатчилик билан ишлаш йўналишида соғлом маънавий-маърифий тарғибот самарадорлигига эришиш ва ахборот хуружларининг олдини олишда тизимдаги веб-сайт, ижтимоий тармоқ саҳифалари ва телеграм каналларида **47604** та хабар, мақола ва бошқа кўринишдаги материаллар жойлаштирилди.

Соҳа ходимлари томонидан жаҳолатга қарши маърифат йўналишида интернет сайтларда **404** та, босма нашрларда **816** та, радиода **1008** та ва телевидениеда **1911** та ақидапараст оқимларга қарши илмий жиҳатдан асосланган чиқишлар қилинди.

“Меҳнат мигрантларига тавсиялар” номли буклет **59300** ададда чоп этилди. Буклетларда мавзуга доир электрон манзиллар, сайтлар, ижтимоий тармоқлар ва ботлар кўрсатилди.

Республикадаги диний-маърифий соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларни ноҳолис талқин этиш, уламоларни обрўсизлантиришга қаратилган ҳаракатларга қарши мафкуравий курашни тизимли ташкил этиш мақсадида диний-маърифий сайтларда **3221** дан ортиқ янгилик ва мақолалар, **420** дан зиёд аудио ва видеоматериаллар чоп этилди.

Шунингдек, “Ҳидоя”, “Мўминалар” журналлари ва “Ислом нури” газетасида “Ёшлар тарбияси”га оид алоҳида рукн очилиб, унда ўсиб келаётган ёш авлодни илм олиш, ижтимоий фойдали фаолиятга тарғиб этиш, ватанпарварлик, диний бағрикенглик хислатларини, турли ёт ғояларига қарши иммунитетини шакллантиришга қаратилган **74** та мақола чоп этилди. Барча материаллар диний-маърифий сайтлар ва ижтимоий тармоқ саҳифалари орқали эълон қилинди.

Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг muslim.uz порталида “Жаҳолатга қарши маърифат” номли рукн ташкил этилиб, унда экстремизм ва терроризмга қарши кураш йўналишида ўтган давр мобайнида **95** та видеоролик, **63** та аудиофайл, **53** та инфографика ва **193** та мақола, жами **404** та материал жойлаштирилди.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуннинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиш юзасидан **1** та матбуот анжумани, Қонун шарҳи бўйича **1** та брифинг ўтказилди, **10** та интервью, **8** та мақола ва **20** дан ортиқ шарҳлар тайёрланди.

Дин ишлари бўйича қўмита